


РАСУЛУЛЛОҲДИНГ
БОЛАЛАРГА
МЕҲРИБОНЛИГИ



1996

ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD



РАСУЛУЛЛОҲНИНГ
БОЛАЛАРГА
МЕҲРИБОНЛИГИ

1996

ISLAM INTERNATIONAL PUBLICATIONS LTD

"Holy Prophet's Kindness to Children"

First edition published by:

Islam International Publications Limited

Islamabad

Sheephatch Lane

Tilford, Surrey GU102AQ

United Kingdom

© Islam International Publications Limited 1996

All rights reserved. No part of this publication may be reproduced, stored in a retrieval system or transmitted in any form or by any means, electronic, mechanical, photocopying, recording or otherwise, without prior permission of the publishers.

British Library Cataloguing in Publication Data

Chaudhry, Rashid Ahmad

Holy prophet's kindness to children.

1. Islam. Muhammad (Prophet). Teachings

1. Title

297'.63

ISBN 1-85372-292-8

Printed and bound by Unwin Brothers Ltd.,
The Gresham Press, Old Woking, Surrey GU22 9LH
A Member of the Martins Printing Group

СЎЗ БОШИ

Мана азизлар, «Болалар адабиёти кўмитаси» ходимлари «Расулulloҳнинг болаларга меҳрибонлиги», - деган бир китобни нашрдан чиқарди. Кўмита Ҳазрат Халифату-л-Масийҳ IV томонидан таъсис этилган бўлиб, унинг бевосита раҳбарлиги остида ишламоқда.

Кўмита аъзолари Ҳузурдан бағоят миннатдордилар. Бу жаноб китобни чиқариш режамизга ниҳоятда қизиқиб, банд бўлишларига қарамай, вақти-вақти билан ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб турдилар.

Шунингдек биз бир неча йил аввал урду тилида нашр этилган ва болалар таълим-тарбиясига бағишланган китоблар ичида энг яхшиларидан бири деб тан олинган «Олам-и-Атфол ва Раҳмату-л-лиллолабийн»нинг муаллифи, ҳамда Масийҳ-и-Мавъуд Ҳазрат Мирзо Фулом Аҳмад Қодийнийнинг саҳобаси Муҳаммад Исмоилга ушбу китобни ёзишга бизни руҳлантиргани учун ўз ташаккуримизни билдирамиз. Аллоҳ таолонинг раҳматлари ёғилсин унга.

Ўқитувчи, ота-она ва болалар ушбу китобчадан
албатта лаззатланурлар деган умиддамиз.

Китобчадаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг исмлари
тўқима бўлиб, аҳамиятга эга эмасдир.

Болалар адабиёти қумитаси,
Лондон.

Жума куни эрталаб соат 9 эди. Кўнғироқ ча-
линиши билан маҳаллий бошланғич мактаб-
нинг барча ўқувчилари ўзларининг синфлари томон
ошиқдилар. 2-синфда биринчи дарс диний ўқиш
дарси бўлиши керак эди.

Ўқувчилар ўз жойларига ўтиришлари биланок,
ўқитувчи Алфияхоним-опа синфга кириб келдилар.

«Бугун биз Расулulloҳнинг ҳаёти ҳақида сўз-
лашамиз», - деб эълон қилди у.

У болалардан Расулulloҳнинг қачон туғилганини
билиш-билмасликларини сўради.

Болалардан ҳеч бир садо чиқмади.

Сўнгра у: «Исломи дини асосчисининг исмини ким
айтиб бера олади?» - деб сўради.

Аҳмад кўлини кўтариб: «Исломи дини асосчисининг
исми МУҲАММАД саллаллоҳу ʻалайҳи ва
саллам», - деди.

«Жуда яхши», - деди Алфияхоним.

Кейин у Салимани чақирди ва дунё харитасидан
Арабистонни топишни буюрди.

Салима харита ёнига келиб, бармоғи билан
Арабистонни кўрсатди.

Алфияхоним ўз ҳикоясини бошлади:

Муҳаммад 570 - милодий йилида Арабистоннинг
Макка шаҳрида туғилди. Бобоси Абдул Мутталиб
унга Муҳаммад деб исм қўйди. У етим туғилди.

«Етим сўзининг маъносини биласизларми?» - деб
сўради ўқитувчи.

«Алфияхоним-опа, отасиз ёки онасиз қолган
гўдакни етим дейдилар», - деб жавоб берди Шокир.

«Жуда тўғри», - деди ўқитувчи.

Муҳаммаднинг отаси Абдуллоҳ чақалоқ туғилишидан бир неча ой муқаддам вафот этган эди. Муҳаммад Арабистондаги обрўли курайш қабиласига мансуб эди.

Ўша замонлардаги арабларнинг урф-одатларига кўра онаси Амина чақалоқ Муҳаммадни қишлоқда яшовчи Халима деган энаганинг кўлига топширди.

«Энага деб кимни айтамин?» - деб сўради Салим.

«Энага деб бошқа аёлнинг чақалоғини ўз кўкрак суги билан боқувчи аёлга айтилади», - деб жавоб берди Алфияхоним.


Муҳаммад 6 ёшга тўлганида онаси ҳам вафот этди. Бобоси Абдул Мутталиб уни ўз тарбиясига олди, бироқ икки йил ўтар-ўтмас у ҳам вафот қилди.

Шундан сўнг Муҳаммадни амакиси Абу Толиб тарбия қилди. Муҳаммад ўспиринлик чоғидан бошлаб ўз тенгдошлари каби далада эчки ва туя боқди.

У олийжаноб бола эди, ҳеч ёлғон сўзламас, ҳаминша ҳалол ва софдил эди.

Муҳаммад камбағал ва ожизларга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. У ўзидан катталарни хурмат қилиб, кичикларга меҳрибон эди.

Чамаси 12 ёшида амакиси Абу Толиб уни ўзи билан бирга Сурияга тижорат сафарига олиб борди. Муҳаммад 25 ёшида Хадича исмли маккалик бадавлат бир бева аёлга уйланди. У ўша пайтда 40 ёшда эди. Тўй ўтгач, Хадича ўзининг бутун мол-мулкини эрининг ихтиёрига топширди. Муҳаммад ушбу мол-мулкни камбағал, етим-есир ва мухтожларга бўлиб берди.



Муҳаммад 40 ёшида Аллоҳ таоло уни Расулуллоҳ этиб юборганига мусулмонлар инонадилар. Айтишларига кўра, у тез-тез Макка шаҳрининг атрофига чиқиб, «Хиро» деган ғор ичида ўз вақтини ўтказар экан. Макка халқининг турмушидан унинг кўнгли тўқ эмасди. Камбағал ва етим-есирларнинг ғамини ҳеч ким эмасди. Одамлар тош ва ёғочдан ясалган турли санамларга сиғинар эдилар. Бир куни у ғорда Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилаётганида, фаришта Жаброил ғалайҳиссалом унга ваҳий келтирди. Шундан бошлаб ваҳий кела бошлади. Бу ва яна

кўпгина ваҳий келиб, мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръон» нозил бўлди.

«Ваҳийнинг маъноси нима?» - деб сўради Гуландом.

«Ваҳий илоҳий хабар бўлиб, Аллоҳ таоло томонидан калом ёрдамида инсонга юборилади. Расулulloҳ на ўқиш ва на ёзишни биларди. Бироқ Аллоҳ таоло ваҳий орқали уни кўп нарсани билгувчи этди».

Бошида унга жуда кам одам ишонди. Макка халқининг кўпчилиги Муҳаммадга ишонмай, уни мазах қилди. Шу аҳволда у Маккада 13 йил яшади. Шу вақт ичида унинг ўзи ҳам, мазҳабдошлари ҳам таъқиб қилиндилар. Таъқиб қилишлар кучайиб кетгандан кейин Аллоҳ таоло унга Маккани ташлаб кетишни амр қилди. Шундан сўнг у Ислom равнақ топган Мадина шаҳрига йўл олди. Ислom тарихида бу воқеа «Ҳижрат» номи билан машҳурдир. Мусулмонларнинг йил ҳисоби Расулulloҳнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган кунидан бошланди. Мадинада Ислom янада равнақ топаётганини кўрган маккаликлар бир неча бор мусулмонларни кириб ташлаш учун Мадина шаҳрига ҳужум қилдилар. Кучлар нисбати тенг бўлмасида, ҳар сафар мусулмонларнинг кўли баланд келди. Ва ниҳоят Расулulloҳнинг саркардалиги остидаги мусулмонлар Маккага кириб ғалаба қозондилар.

Расулulloҳ 63 ёшларида вафот этдилар. Бу вақтга келиб Ислom бутун Арабистон бўйлаб ёйилган эди. Расулulloҳ барчага, ҳатто душманларига ҳам меҳрибон эди, аммо у айниқса болаларга ниҳоятда меҳрибон эди.

Хамма ўқувчилар ҳикояни шунчалик берилиб тингладиларки, ҳатто кўнғирок чалинганини ҳам эшитолмай қолдилар. Ўқитувчи келаси ҳафтадаги дарсада ҳар бир ўқувчининг Расулуллоҳ ҳаётидан олиб, унинг болаларга бўлган меҳрибонлигини баён қилувчи бирон-бир ҳикоя айтиб беришини уқтирди.



Кейинги жума куни ўқувчилар синфга йиғил-
гач, Ойша ўрнидан туриб, «Расулulloҳнинг
инсониятга қилган энг буюк марҳаматларидан бири
шу бўлдики, у чақалоқ қизларнинг ўлдирилишларига
чек қўйиб, бу урф-одатни бекор қилди. Мен Ара-
бистонданман. Расулulloҳдан аввалги замонларда
Арабистондаги маълум бир қабилалар қиз кўришни
ўзларига ор деб билардилар, шунинг учун уларнинг
бошлиқлари қизни туғилиши биланок ўлдираб
эдилар. Улар «Шу ишни қилиб, ор-номусимизни
сақлаб қолдик», - деб ўйлардилар. Расулulloҳ уш-
бу қабиҳ урф-одатни бекор қилди. Шу билан у ҳам
болаларга, айниқса қиз болаларга катта меҳрибон-
лик кўрсатди. Аллоҳ таолонинг саломлари ва мар-
ҳаматлари бўлсин Расулulloҳга», - деди.

Ойша ҳикоясини тугатиши биланок, Сора кўлини
кўтарди: «Алфияхоним-опа, менинг онам Хиндис-
тонда ҳам баъзи одамларнинг қизларни ўлдириш
одатлари бўлганлигини айтган эди. Ҳатто ҳозирги
кунда ҳам шундай кишилар борки, улар қиз кўрган-
ларида ўғил кўрганларидек қувонмайдилар», - деди.

Алфияхоним: «Ҳа, Сора сиз ҳақсиз. Шунинг учун
ҳам биз ушбу қабиҳ одатни бекор қилгани ва
жамиятда аёлларнинг нуфузини кўтарганлиги учун
Расулulloҳдан бағоят миннатдормиз», - деди.

Сўз навбати Аҳмадга келди. У: «Расулуллоҳ ўз издошларига: «болаларингизни эъзозланг», - деб кўрсатма берган эдилар. Баъзи пайтларда катталар кичикларни менсимайдилар. Ҳатто ўз фарзандларини суювчи, уларни яхши парваришлаб, яхши кийинтиргувчи ота-оналар ҳам уларнинг ҳис-туйғулари билан қизиқмайдилар. Улар болани соддага чиқариб, унга бутунлай бепарволик билан қарайдилар.

Расулуллоҳ шундай ота-оналарга: «Ўз фарзандларингизни эъзозлангиз, уларга меҳрибон бўлингиз ва улар учун муҳим бўлган масалалар юзасидан кўнгилли суҳбатлар ўтказингиз», - деб кўрсатма берган эдилар. Уларга: «Болаларингизни иложи борида илмли қилингиз ва катталарни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялангиз», - деб кўрсатма берган. Бу Расулуллоҳнинг болаларга қилган буюк бир марҳаматидир. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга», - деди.

Сўнгра Имрон ҳикоя қила кетди: «Расулulloҳ: Бирон бир киши вафот қилгандан кейин ундан қолган мерос барча фарзандлар ўртасида муносиб равишда бўлиниши лозим ва кичик фарзандлар меросдан қуруқ қолмасликлари керак, деб ўз издошларига кўрсатма берган. Ўша пайтларда Арабистонда урф-одат бўйича, мероснинг ҳаммаси тўнғич ўғилга қоларди. Бу ҳол эса кичик ўғилларнинг тўнғич ўғилга қарам бўлиб қолишларига олиб келар эди. Ҳатто шу кунларда ҳам баъзи мамлакатларда ота-онадан мерос бўлиб қолган мол-мулкнинг ҳаммасига тўнғич ўғил эгалик қилади». Имрон: «Болаларни ажратмангиз», - деб мусулмонларга кўрсатма берганлиги учун биз Расулulloҳдан бағоят миннатдор бўлмоғимиз керак. Шунинг учун ҳам Ислom жамиятида ота-онадан мерос бўлиб қолган мол-мулкдан барча фарзандлар ўз улушини олади. Мен акаларим ичида энг кичигиман, бироқ шунга қарамай отамнинг мулкида менинг ҳам тенг улушим бор. Шунинг учун ҳам биз доно ва ажойиб кўрсатмалари учун Расулulloҳни мадҳ этмоғимиз зарур. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга», - деди.

Шундан сўнг Марйам туриб гапирди. «Мен қиз болаларнинг илмли, маърифатли бўлишлари ҳақида бир оғиз сўзламоқчи эдим. Расулуллоҳ қиз болаларнинг илмли, маърифатли бўлишлари кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтган. У қизларингиз яхши илмли бўлишлари учун қаттиқ ҳаракат қилинг, деб мусулмонларга кўрсатма берган эди. Натижада улар келгусида она бўлгач, ўз фарзандларига яхши тарбия берадилар. Улар ўқимишли бўлганликлари учун жамиятга ҳам кўп фойдалари тегади», - деди. Марйам сўзини давом эттирди: «Менинг бобом Расулуллоҳнинг мана шу сўзларига амал қилиб, онамнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллашига қаттиқ ҳаракат қилиб, ўз мақсадига эришди. Натижада у ўзининг эркак ҳамкасбларидан анча яхшироқ ишлайди. «Қизларингизни ҳам илмли қилинг», - деб мусулмонларга кўрсатма бергани учун биз пайғамбаримиз Муҳаммаддан миннатдор бўлишимиз лозим. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Шундан кейин Амбрийн ўқувчиларга Расулуллоҳнинг: «Болаларингизни дуо қилинг», - деб мусулмон ота-оналарга берган кўрсатмасини эслатиб ўтди. «Расулуллоҳ бу ҳолларда махсус дуолар борлигини таъкидлаб ўтган», - деди. Шундай дуолардан бири мана бу:

«Эй Аллоҳ, ўзимни ва авлодларимни маъбуд ёки санамга тоат-ибодат қилишдан асрагин. Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани Аллоҳга шерик қилишдан қутқаргин. Парвардигоро, бизни ҳамаша итоатда тутгин, бизни ва авлодларимизни ўз ироданга бўйсунгувчи ва итоат этгучи қил, менинг, ҳам авлодларимнинг Намозни қилмаслигимиз учун бизга собитлик ато қилгин. Парвардигоро, эрларимиз ё хотинларимизни ҳамда болаларимизни кўрганимизда кўзимизни қувончга тўлдиргин ва бизни иймонли кишиларга намуна қилгин».

Мана шу ажойиб дуони мусулмонларга Расулуллоҳ ўргатган. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Шундан сўнг Волийд ўрнидан туриб, бундай деди: «Мен етимман. Менинг ота-онамнинг вафот қилганига анча бўлган. Мени асраб олган ота-онам кўлида ўсдим. Улар менга жудаям меҳрибон эдилар. Улар мени ўғил ўрнида кўрдилар. Мен улардан ниҳоятда миннатдорман, бироқ шунинг билан бирга мен Аллоҳ таолога ва унинг Расули Муҳаммадга етим болаларга ғамхўрлик қилиш кераклиги ҳақида қайғургани учун шукроналар айтаман. Аллоҳ таоло Куръони Шарифда шундай дейди: «Етимларни хафа қилмангиз». Ва Расулуллоҳ айтади: «Кимда-ким етимни парвариш қилиб, унга яхши тарбия берса, албатта, мен билан бирга жаннатга киргай».

Волийд етимлар билан қандай муомалада бўлиш кераклиги ҳақида Расулуллоҳ мусулмонларга батафсил йўл-йўриқлар берганини айтди. Расулуллоҳнинг ўзи етим бўлган, шунинг учун ҳам у етимларнинг дардига, ҳис-туйғуларига тушунарди. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга.

Сўз навбати Абдуллога берилди. У қуйидаги ҳадисни айтиб берди: «Эй одамлар, ҳар бирингиз васийсиз, ва Аллоҳ таоло олдида васийлигингизда бўлган одамлар учун жавоб берасиз».

«Абдулло, ушбу ҳадиснинг маъносини тушунтириб бера оласанми?» - деб сўради Алфияхоним.

Абдулло жавоб берди: «Унинг маъноси шуки, бошлиқлар ўз қўл остидаги одамлар учун Аллоҳ таоло олдида жавоб берадилар. Ўқитувчи, ота-она, оға-ини, опа-сингил ёши улуғлар ва иш берувчилар эса ўз бурчларини астойдил, аъло даражада бажармоқлари керак. Мураббийлар ҳам болаларга яхши одатларни сингдириб, уларни яхши одатларга ўргатиб, илмли қилиб тарбиялашлари даркор. Биз, болалар, мана шундай ажойиб кўрсатмаси учун Расулуллоҳдан бағоят миннатдормиз. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Кейинги сўз навбати Холидга тегди. У ўрнидан туриб: «Менинг амаким бадавлат киши бўлиб, катта мол-мулкка эга. У бефарзанддир. Менинг аммам ўзининг яқин қариндошларидан бирини асраб олди ва унинг якка ўзинигина ворис қилмоқчи бўлди. У ҳолда бизнинг барчамиз ва амакимнинг қонуний ворислари ўз улушларимиздан айрилиб қолган бўлар эдик. Амаким Имомнинг маслаҳатини олди ва у шариятга кўра асранди боланинг ворис бўлишига қонуний ҳаққи йўқ эканини айтди. Шунинг учун аммам ўз ниятидан қайтди. Натижада биз меросдан қуруқ қолмадик. Ушбу ҳақиқат учун биз Аллоҳ таоло билан Расулulloҳга шукроналар айтамыз. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга», - деди

Холиднинг ёнида ўтирган Собит ўқитувчидан Имомнинг ким эканлигини сўради.

«Имом Намозда намозхонларни эргаштирувчи кишидир. У диндорларнинг бошлиғи бўлиб, мусулмонлар у билан диний масалалар юзасидан маслаҳатлашадилар», - деб жавоб берди Алфяхоним.

Шундан сўнг Самийн сўз олди: «Расулуллох мусулмонларга: «фарзандларингизга нисбатан одил бўлингиз», - деб буюрган. Самийн Расулуллохнинг ҳаётида содир бўлган бир воқеани айтиб берди: «Кунларнинг бирида бир киши Расулуллохнинг ёнига келиб: «Илтимос, мана бу ўғлимга фалон-фалон мулкимни мерос қилиб берганимга гувоҳлик берсангиз», - деди.

Расулуллох: «Қолган фарзандларингизчи? Улар ҳам ўз улушларини олдимиз?» - деб сўради.

Халиги киши: «йўқ», - деди.

Шундан сўнг Расулуллох: «Мен адолат билан қилинмаган ишга гувоҳ бўла олмайман», - деб норозилик билдирди.

Ушбу воқеадан кўришиб турибдики, Расулуллох фарзандларнинг барчасига тенг одиллик билан муносабатда бўлишлари учун ниҳоятда қайғурган. Аллох таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга», - деди у.

«Алфия-опа, синглим мен ёқтирган ўйинчоқларни ёмон кўради, шунинг учун отам унга бошқа ўйинчоқлар олиб келади. Шундай қилиш дурустми?», - деб сўради ўқитувчидан Сатнам.

«Дуруст», - деб жавоб берди Алфияхоним. «Чунки икковингиз ҳам ўзингизга ёққан ўйинчоққа эга бўласиз. Бу дуруст, бироқ отангиз бирингизга олиб келиб, иккинчи бирингизга олиб келмаса, у ҳолда яхши иш бўлмас эди».

Навбатни Мансур олди. У ўз хикоясини мана бундай бошлади:

«Менинг акам ҳар куни мактабга боришдан олдин газета тарқатади. Агар хатоликка йўл қўйса уни сўкадилар, унга бақирадилар, ҳатто баъзан жарима соладилар. Бир куни масжидга борганимда Имомнинг мана бу сўзларини эшитдим: «Расулуллоҳнинг Анас деган хизматкори бўлган. Онаси Анасни 10 ёшлигида Расулуллоҳга топшириб кетган эди. У 18 ёшигача Расулуллоҳга хизмат қилди. Анаснинг нақл қилишича, Расулуллоҳ: «Буюрган ишни қилмабсиз» ёки «Буюрмаган ишни қилибсиз», - деб бирон марта ҳам уни сўкмаган.

Бу воқеа Расулуллоҳнинг болаларга ниҳоятда меҳрибон бўлганлигини кўрсатади. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Хумайроҳ Расулуллоҳнинг ҳаётидан олинган бир ғавҳани сўзлаб берди: «Бир куни Расулуллоҳдан хабар олгани унинг неваралари келди. У уларни бирма-бир кўтариб ўпди. Буни кузатиб турган бир Бадавий: «Эй Расулуллоҳ, биз ҳеч қачон сизга ўхшаб болаларга бўлган меҳрибонлигимизни намоёйиш қилмаймиз», - деди.

«Агар сиз фарзандларингизга шафқат қилиб, меҳр қўя билмасангиз мен нетай, ахир», - деб жавоб қилди Расулуллоҳ.

Хумайроҳ сўзини давом этиб: «Ушбу воқеа ҳам Расулуллоҳнинг болаларни ниҳоятда севиб, уларга меҳрибон бўлганини кўрсатади. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга», - деди.

Равшан ўқитувчидан Бадавийнинг ким эканини сўради. «Бадавийлар саҳрода яшовчи араблардир. Улар дўлилар каби кўчманчи ҳаёт кечирадилар. Уларнинг маълум бир турар жойи йўқдир», - деб жавоб берди ўқитувчи.

Носир ўз ҳикоясини мана бундай бошлади: «Бир куни Расулulloҳ ўз саҳобаларидан бирининг уйига борди. У бир аёлнинг: «Бу ёққа кел, сенга егулик бераман», - деб боласини чақираётганини кўриб қолди. Расулulloҳ ундан: «Нимани ваъда қиляпсиз?» - деб сўради. «Хурмо қоқини», - деб жавоб берди аёл. Шунда Расулulloҳ унга: «Агар болага бирон-бир нарсани ваъда қилиб, уни бажармасангиз, у ҳолда ёлғон гапирган қанчалик гуноҳга ботса, сиз ҳам шунчалик гуноҳга ботган бўласиз», - деди.

Носир сўзини давом эттириб деди: «Расулulloҳнинг ушбу сўзларидан шу нарсa маълум бўладики, биз доимо ваъдамизнинг устидан чиқишимиз керак экан. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Ўқитувчи болаларга тушунтирди: «Ёлғон сўзлаш яхши эмас, агар бу одат тусига кириб қолса, уни жиловлаб қўйиш қийин бўлади. Кўпинча болалар бу одатни ўзларига катталардан юқтирадилар. Шунинг учун катталар болаларга яхши ўрнак бўлиб, ёлғон сўзлашдан тийинишлари лозим».

Сабо Расулуллоҳнинг ҳаётида содир бўлган кичик бир воқеани сўзлаб берди: «Бир куни Расулуллоҳ Намозга имомлик қилаётганида Намозни давом эттиражагини айтди, бироқ у чақалоқнинг йиғисини эшитиб, Намозни қисқартирди. У она-бола қийнал-масин деган андишага бориб, шундай қилди. Бу ҳол Расулуллоҳнинг болаларга нақадар илтифотли ва ғамхўр бўлганидан дарак беради. Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин унга».

Сўнги сўз Тарикқа берилди: «Расулulloҳ болаларнинг юзига уришни ман қилган. Мен бир куни телевизор кўриб ўтиргандим. Кўрсатувда болаларнинг шўхлигидан безор бўлган ота-оналарнинг жаҳллари чиқиб, фарзандларининг юзига ураётганларини ҳикоя қилувчи бир неча лавҳа берилди. Баъзи мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам катталар ножўя иш қилиб кўйган болаларни жазолаб, уларнинг юзига урадилар. Бунинг оқибатида баъзан болаларнинг юзида чандик ёки жароҳат пайдо бўлади. Расулulloҳ болаларни ўз ҳимоясига олиб, уларнинг юзига уришни ман этган. Бу ҳол Расулulloҳнинг болаларга илтифотли ва меҳрибон бўлганидан дарак беради. Бизга шундай ажойиб таълим берган Расулulloҳга Аллоҳ таолонинг саломлари ва раҳматлари бўлсин», - деди у.

«Бизга маълумки, инсоннинг юзи нозик ва сезувчандир. Юзга уриш оқибатида жароҳатлар пайдо бўлиши мумкин. Расулulloҳнинг мана шундай кўрсатмаларига амал қилишимиз керак», - деди ўқитувчи.

Дилбар, Алишер, Нодира ва Нозималар ҳам сўз олмоқчи эдилар, бироқ ўқитувчи соатига қараб: «Сухбатни давом эттиришга вақтимиз қолмади. Шунинг учун сухбатимизни келгуси дарсга қолдирамиз», - деди.

Кўнғирок чалинган, ўқитувчи дарсни тамом қилди.

Holly Prophet's Kindness
To Children
(Uzbek Translation)